



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 137 (13.470)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль куни Тошкент шаҳрида йиғилиш ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, инвестициялар, банк ва молия тизимини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарлари билан бирга, ушбу комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мазкур комплекслар таркибига кирувчи соҳалар бўйича муайян натижа ва марраларга эришилган бўлса-да, хотиржамликка берилмасдан, ҳали ечимини қутаётган масалаларни таҳлил қилиш, мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ ишга солиш чораларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жорий йил биринчи ярим йиллигида янгидан ёки қайта ташкил этилган вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали йўлга қўйиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат инвестициялар қўмитаси, Кичик тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси, Жамғармаси раҳбарлари томонидан жиддий камчиликларга йўл қўйилганини қайд этди. Ушбу вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдинги қисқа муддатда мавжуд бўш ўринларга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган асосий вазифа ва функцияларни тўлиқ ва сифатли бажаришни таъминлаш юзасидан барча зарур чораларни кўриш юклатилди.

Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси таркибидagi айрим идоралар, жумладан, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, "Ўзуқурилишматериаллари", "Ўзмонтажмахсусқурилиш",

"Ўзшаҳарқурилиш инвест" компаниялари, Республика йўл жамғармаси, "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Ипотека-банк" томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил ўтган даврида мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб амалга оширган ташрифлари ва учрашувларда берилган топшириқлар ижросини таъминлашда йўл қўйилган ҳар бир камчилик ва нуқсон танқидий таҳлил қилиниб, ушбу идоралар раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди. Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги раҳбари эгалаб турган лавозимига нолойиқ экани қайд этилиб, ушбу тизимни тўздан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси иш фаолияти ҳам қониқарсиз. Иқтисодиёт комплексининг собиқ раҳбарлари иқтисодий мажмуа ишини мувофиқлаштириш олмаган, виллот, туман ва шаҳар даражасидаги идоралар ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Йиғилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятида ижро интизомига оғишмай риоя қилиш, белгиланган вазифа ва функциялар, топшириқларни ўз вақтида ва сифатли ижро этиш, ҳар қайси соҳада қатъий тартиб-интизомни таъминлаш зарурлигига қаратилди. Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйган "Ўзбекэкоинвестхолдинг" компанияси раиси О.Рустамов, "Ўзгагро-экспорт" жамияти раҳбари Ж.Холмухамедов ва "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раиси М.Мансуров ўтган ҳафтада лавозимидан озод этилгани эслатиб ўтилди. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар ва ҳўжалик бирлашмалар раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олиши кераклиги алоҳида ўқтирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётининг бугуни ва эртаси қандай бўлиши кўп жиҳатдан Иқтисодий ривожлантириш комплекси вазирликларининг иши сифати ва натижаларига боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, мажлисда охириги йилларда кичик бизнесни рағбатлантириш юзасидан қўллаб қарорлар қабул қилинганга қарамай, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида тўсиқлар ҳали ҳам мавжудлиги қайд этилди.

Шу муносабат билан, Комплекс раҳбари – Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровга Савдосаноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик соҳасидаги барча муаммоларни батафсил таҳлил қилиб, илғор ҳалқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнес, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига кескин туртки берадиган тақлифларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда жойларда бўш турган давлат объектлари ёки илғари хусусийлаштирилган, лекин бугунги кунда фойдаланилмаётган бино-иншоотлар бўйича барча таъсир механизмлари ишлаб чиқилган, зарур ҳуқуқий база яратиб берилган бўлса-да, бу борада ҳали сезиларли натижалар таъминланмагани афсус билан қайд этилди.

Банк-молия тизимини расмийлаштириш билан, юзак иқтисод қилиш амалиётига чек қўйиб, тизимни замонавий услублар асосида ишлайдиган соҳага айлантириш вазифаси ўртага қўйилди. "Энг муҳими, бугунги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари энг замонавий хизматларни кўрсатиб, ҳар бир мижознинг кўнглига йўл топа оладиган, уни ўзига жалб этиш учун рақобат қилиш салоҳиятига эга бўлиши керак", деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларининг жорий йил иккинчи ярим йиллигида белгиланган мақсадли параметрлар ва тадбирларни тўлиқ ва ўз муддатида амалга ошириш, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболни олдиндан ҳисоб-ки-тоб қилиш ва унга эришиш учун "йўл хариталари" ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилиниб, аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди ва муҳокама қилинди, иқтисодиёт тармоқларини изчиқ ривожлантириш борасидаги камчиликларни бартараф этиш ҳамда жадал ўсиш суратларини таъминлаш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш вазифалари белгиланди.

ЎЗА

органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши шакллантирилди. Кенгаш ишлаб чиққан методика ҳамда регламент асосида давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклиги мониторингини олиб борилмоқда. Мониторинг натижалари ҳар йили икки мартаба (1 январь ва 1 июль ҳолатига) эълон қилиб борилмоқда.

Семинар иштирокчилари жамоатчилик кенгаши фаолияти, кенгаш томонидан амалга оширилаётган давлат органларининг "очиклик индекси"ни баҳолаш ва мониторингини ўтказиш натижалари билан танишди. Давлат органларининг очиклигини таъминлаш, ишончли ва долзарб ахборотни жамоатчиликка етказишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишдаги ижобий тажрибалар ўртоқлашилди.

Тадбирда давлат органлари қoшида жамоатчилик маслаҳат кенгашларини шакллантириш, "Ишонч телефонлари"нинг фаолиятини белгиловчи тақлилий-техник қондаларни қўнунчилик билан мустаҳкамлаш сингари амалдаги қўнунчиликни такомиллаштириш бўйича фикрлашилди.

Б.БОЗОРОВ

рот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда нодавлат тижорат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Европа Комиссияси етти йилга яқин давом этган текширув натижаларига кўра, Google компаниясига нисбатан Европа Иттифоқининг монополияга қарши қондаларини бузганлиги учун рекорд даражадаги сумма – 2,5 миллиард евролик жарима тўлаш чорасини белгилади. Агарда ушбу компания 90 кун давомида ўз стратегиясини қайта кўриб чиқмаса, яна қўшимча жаримага тортилиши мумкин.

• Вашингтон университети олимлари асал таркибида мавжуд табиий қанд моддаси юрак хуру-

2017 йил 5 июль, ЧОРШАНБА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

"YILNING ENG YAXSHITARBIYACHISI" KO'RIK-TANLOVINING RESPUBLIKA BOSQICHI



ИЗЛАНУВЧАН, ЗУККО, ЖОНКУЯР ТАРБИЯЧИЛАР

Болажонларнинг билим олишга бўлган иштиёқи ва қизиқишини ошириш, қалби ва онгига эзгу фазилатларни сингдириш тарбиячилардан катта маҳоратни, ўз касбига садоқат ва фидойиликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Йилнинг энг яхши тарбиячиси – 2017" кўрик-танловида энг иқтидорли, салоҳиятли тарбиячиларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари С.Тургунов ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда ўқитиш тизимини сифат жиҳатдан янги поғонага олиб чиқиш, айниқса, мактабгача таълимни тўздан ислоҳ этиш бўйича аниқ ва амалий чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорга асосан боғчаларнинг моддий-техник базасини янада юксалтириш, уларга болаларнинг қамровини тобора кенгайтириш, ўқув-тарбиявий ишлар сифатини янада яхшилаш, соҳа ходимларининг касбга оид билим ва малакасини ошириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш таъминланади.

"Йилнинг энг яхши тарбиячиси" кўрик-танловидан қўзланган асосий мақсад илғор, ижодкор, изланувчан, ташаббускор тарбиячиларни аниқлаш, уларнинг ўзаро тажриба алмашиши учун

имкон яратиш, инновацион технологиялардан унумли фойдаланаётган соҳа ходимларининг иш услубини оммалаштиришдан иборатдир.

Танловда тарбиячиларнинг ижтимоий-сиёсий, таълим-тарбия, маънавий-маърифий жабаҳалардаги билимлари, "Болажон", "Билимдон" ўқув дастурларини амалиётга кенг қўллаш қобилияти синовдан ўтказилди. Қатнашчилар тест саволларига жавоб бериши, ёзма топшириқларни бажариши билан бирга муайян мавзу бўйича болаларнинг танланган ёш гуруҳида очик машғулотлар ўтказди. Иштирокчиларнинг яқка ва гуруҳларда маҳорат билан ишлаши, фаолиятига ижодий ёндашиши, замонавий ахборот-коммуникация, педагогика технологияларидан унумли фойдаланиши каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

Навий вилоти Кармана туманидаги 6-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Нодира Очилова биринчи ўринга муносиб топилди. Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Генжегул Торемуратова иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Қарши шаҳридаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Мафтуна Бобоевага насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси "Давлат органлари фаолиятининг очиклиги: самарали механизмлар" мавзусида семинар ўтказди.

Қуйи палата Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси раиси И.Абдуллаев ва бошқалар давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошқоралигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг амалга оширилиш жараёни ҳақида хабардор этиш мамлакатимизнинг демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим йўналишлари эканини таъкидлади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-

тегиясида давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор ахборотларни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий этиш давлат бошқаруви тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди. Қонун фуқароларнинг ижтимоий аҳамиятга мо-

лик ахборотлардан фойдаланишини ҳуқуқий қафолатлаш билан бир қаторда давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг шакл ва услублари, давлат органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро ахборот алмашишнинг аниқ механизмларини белгилаб берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги "Давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун қондаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Давлат ҳўкимияти ва бошқаруви

• Наманган вилоятининг Чуст туманида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан "Ёшлар бандлигини таъминлаш – муҳим вазифа" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

• Қарши шаҳридаги "Марказий" стадион реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари самарасида 21 минг томошабинга мўлжалланган ушбу стадионда муҳлислар учун барча шароит яратилган. Майдонга замонавий муҳандислик-коммуникация воситалари ўрнатилиб, "Kentucky bluegrass" навли сифатли чим ётқизилди.

• Андижонда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича фуқароларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахбо-



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами олдидан "Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!" шиори остида тарғибот тадбирлари ўтказилди. Тарғибот тадбирлари Андижон шаҳридаги "Соғлом авлод" стадионида ўтказилган гала-концерт билан якунланди. Қитъа ва жаҳон чемпионатларида, йирик халқаро турнирларда улкан ютуқларни қўлга киритган андижонлик спортчилар ва ҳарбийларнинг кўргазмалли чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.



ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!

Буюк ва бебаҳо неъмат — мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан.

Тарихий 1991 йилнинг 31 августи куни мустақиллигимиз эълон қилинди. Ватанимиз ва халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўтган 26 йил мобайнида дунё харитасидан Ўзбекистон Республикаси деган янги мустақил давлат муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бозор иқтисодиётига асосланган демократик тузум барпо қилишга киришилди. Бунинг учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тўв ислохотлар амалга оширилди. Мамлакат ва халқ олдида ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин олиш вазифаси қўйилди. Ана шу тарихан қисқа бир даврда жуда катта ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўл босиб ўтилди. Мустақиллик Ватанимиз тарихида мулоқот янги саҳифа очди.

Даврлар ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуг неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлолимиз қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверди.

Ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб турмайди, у илгарилар бораверади. Аммо шу жараёнда, тараққиётни кучайтириш мақсадида яна бир бор фикр-мулоҳаза қилиб қўрадикан, бошқача айтганда, янгиланишлар пайларини ҳам бўлади. Мамлакатимиз ҳозир шундай янги босқичга кирди.

Шу йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бу йилги байрам "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида муқаммас этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури асосида нишонланади. Қарорда ушбу Дастурни 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш белгиланган.

Ҳўш, ана шу бешта устувор йўналиш айна нима-лардан иборат? Бу ерда уларни санаб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз:

Биринчи йўналиш. Давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш.

Иккинчи йўналиш. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Учинчи йўналиш. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш.

Тўртинчи йўналиш. Ижтимоий соҳани ривожлантириш.

Бешинчи йўналиш. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш.

Мустақиллик тарихини айна мазкур йўналишларда нима-лар қилинганни ўрганиш бўйича еритиш ҳам мумкин. Ана шунда масала янада ойдинлашади. Яъни бу борада қўлга киритилган ютуқларни аниқлаш амалда бундан буён қилиниши зарур бўлган ишларни белгилаб беришга ҳам хизмат қилади.

Ҳўш, мустақилликнинг 26 йиллигига бағишланган дастур "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш деганда нима тушунилади? Бу саволга жавоб бериш учун гапни бир оз узокроқдан бослашга тўғри келади.

2016 йилнинг 25 сентябидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг интернет тармоғида электрон қабул-хона ташкил этилди. Халқ билан мулоқот сиёсати амалда шу қўндан бошланди.

Ўтган йилнинг 4 декабри куни демократик тамойиллар асосида халқ Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Ўз-ўзидан, мамлакатимиз тарихида янги бир босқич бошланди.

Ўтган йилнинг 7 декабри куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" деб номланган маърузасида 2017 йил мамлакатимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган қўшма мажлисидаги нутқи матбуотда "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз" деган сарлавҳа билан босилди.

Келтирилган ана шу ҳаракатлар ўртасида изчил мантикий боғлиқлик бор. Улар замирида халқ ва давлат бирлиги қўзда тутилган.

"Давлат", "мамлакат", "ҳукумат", "ҳокимият", "жамият", "халқ", "миллат", "халқ ҳокимияти" тушунчалари бор. Бир қарашда, ҳаммаси – содда, ҳаммаси – тушунарли. Ростини айтганда, гоҳида қўллар "мамлакат" билан "давлат", "давлат" билан "ҳукумат"ни, "ҳукумат" билан "ҳокимият"ни, "жамият" билан "халқ"ни, "халқ" билан "миллат"ни, "халқ" билан "халқ ҳокимияти"ни бир-бири билан адаштирилади.

Демократик тузумда буларнинг ҳар бири – алоҳида-алоҳида тушуна. Айтилайлик, давлат билан ҳукуматини обдон фарқлаб олмай туриб, давлат ва жамият вазифалари ўртасидаги тафовутни ҳам аниқлаштириб олиш – мушкул. Чунки демократик тузумда давлат вазифалари билан жамият вазифалари ўзаро қатъий чегараланади, яъни вазифалар ўзаро тақсимлаб олинади.

Шуру давлати жамиятининг барча вазифаларини ўз бўйиچа олган, шунинг учун тузумда жамиятнинг ўрни ҳам, ундаги фуқаронинг фаоллиги ҳам чеклаб ташланган эди. Одамларимиз тасаввурда мавжуд давлат ҳақидаги эски қарашлар ҳамон тараққиётимизга халал бериб келаятгани ҳам – рост. Ҳолбуки, ҳаётнинг бир қисми муаммосини давлат, қолган қисми масаласини жамият ҳал қилиб кетавериши лозим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси ҳам фаолият юритяпти. Барча идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятларнинг шундай қабулхоналари ташкил этилди.

Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштирилади. Одамлар ҳамма масала ечимини давлатдан

кутавермайди. Аммо шундай нарсалар борки, уни фақат ва фақат давлат идоралари амалга оширади ёхуд халқ бундай муаммони давлат билан биргаликдагина ечади.

Оммавий ахборот воситалари халқ билан мулоқотнинг синалган, катта қучга эга, тайёр механизми ҳисобланади. Эндиликда оммавий ахборот воситаларини халқнинг зиёлилари учун чинакам минбарга айлантиришнинг вақти етди. Ахир, зиёлилар халқнинг локомотивлари ҳисобланади-ку. Шунинг учун образли қилиб, яъни рамзий маънода "Тўртинчи ҳокимият" дейилади.

Масаланинг бундан ҳам муҳим бир жиҳати бор. Бу давлат ҳокимият идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириши билан боғлиқ. "Адолат – қонун устуворлигида", – деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилишга шу йўл билан эришилади.

Мамлакатимизда шу тариха давлат ва халқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кучайтириш даври бошланди. Мустақилликнинг 26 йиллигини нишонлашга бағишланган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурида, жумладан, "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз" деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини тақомиллашти-

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

ришга қаратилган кенг қўламли ишларни атрофлича ёришга кўрсатилган.

Бу борада мамлакатимиз ўтган йиллар мобайнида таъмонан ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди. Бу ишларни ким амалга оширади? Албатта, давлатимиз раҳна-молигиди мард ва олижаноб халқимиз. Бундан буён ҳам тараққиётимиз айна ана шу давлат ва халқнинг жипс-лигига таянади. Бундан ҳеч бир мамлакат ўз олдида қўйган эзгу мақсадларга эришган эмас.

Яна бир тамойил юқоридагиси билан чамбарчас боғла-ниб кетади. Бу – "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши ке-рак", деган тамойил.

Ўтган 26 йил мобайнида халқимиз ўз миллий дав-латини қурди. Давлат қуриш эса халқ ва мамлакат тарихида жуда мураккаб ҳамда ўта муҳим босқич ҳисобланади.

Хусусан, қарийб бир ярим аср мобайнида мус-тамлака исқанжасида яшашга мажбур этилган халқ учун бу қанчалар оғир кечилишни бир кўз олдимишга келтирилайик.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан ҳуқуқларидан та-моман маҳрум қилиб ташланди. У ҳамма масалаларда собиқ марказдан сўраш, унинг қову қовоғига қараб иш қўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта ҳомишсиз етказиб бе-ришга мослаштирилган, пахта якжаҳокимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Чунки иқтисо-дийнинг "олтин" қойдаси шуки, ҳеч қачон ҳомиш сотган бой бўлмади. Ўзбекистонимизда 43 йиллар етишти-рилган 5 миллион тоннадан ортиқ пахтанинг атиги 8 – 10 фоизигагина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр ҳомишени қайта ишланган беғона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис кўз олдимишга келтириш учун 1990 йил 4 июнида Ислам Каримов томонидан қайд этиб ўтилган маъна бу маълумотларга диққат қилилайик:


"...Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бири-да турибди...Хар киши бошига ялли ижтимоий махсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўй-ча кўрсаткич эса – иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат ўнумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ ҳўжалигидаги меҳнат ўнум-дорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли молла-ри ишлаб чиқариш ўртача иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги махсулотларни истеъмо қилиш жиҳатидан итти-фокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт махсулотлари-ни, сут ва сут махсулотларини, тухумни, умуман, мамла-кат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмо қил-моқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялли даро-мад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чи-қаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмайт-ти".

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Ҳолбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдишларига суянган ҳолда равақ топади. Мустақиллик йилларида бу тўла-тўқис тасдигини топди.

Ҳақиқат қиссда билинади, деган гап бор. Муста-қилликдан олдинги 1990 йили юртимиз аҳолисининг асо-сий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат махсулотларига бўлган эҳтиёжи импорт ҳисобидан қопланган. Ҳозирги вақтда эса бундай то-варларнинг қарийб ҳаммаси мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариляпти. Еки эндиликда фермер ҳўжа-ликлари қишлоқ ҳўжалиги махсулотларининг 90 – 92 фо-изини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи қучга



айланиб бораётди. Мустақилликка қадар юртимизда умум-ман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф – мулк-дорлар синфи жадал ривожланыпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички махсулот-даги улуши йил сайин ортиб борапти.

Бу ишларнинг бари аҳоли фаровонлигини таъминлаш-га қаратилган. Шу тариха мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори яра-тилди.

Юртимиз илгариги қоқоқ, иқтисодиёти бирёқлама ри-вожланган, пахта якжаҳокимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айлан-ди. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгал-лаб келаятган нефть ва газ қимёси, нефть-газ машина-созлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш матери-аллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший элек-троника, фармацевтика, юқори технологияларга асослан-ган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тар-моқлар жадал ривожланмоқда.

Бизда бу ютуқлар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий ин-қирозининг салбий таъсирларига қарамасдан, мамлака-тимизнинг иқтисодий жиҳатдан қатъият билан илга-

рилаб боришига асос бўлаётган аниқ мезон ва омили-лар мавжуд.

Бундай ютуқларнинг адоги йўқ.

Ҳўш, бу муваффақиятларга нима-лар эвазига эриш-дик?

Авалло, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган давлатга айланди.

Қисқа фурсат мобайнида мамлакатимизда давлат ва но-давлат ташкилотлари томонидан халқ билан очик ва сама-рли мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фуқароларнинг қўлаб мурожаат ва муаммо-лари қонуний ҳал этила бошлади.

Давлатнинг халққа бундай қайишиши натижасида одамларнинг руҳиятида катта ўзгариш юз берди. Фу-қароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий ха-бардорлик даражаси кўтарилди.

Энг муҳими, жамиятда тадбиркорлик муҳити жонлан-тири юборилди. Ишбилармонларга давлат томонидан қулай имкониятлар яратиб берилляпти. Бир пайлар тадбиркор кредит сўраб банкларга яллиб борган бўлса, энди банк-ларнинг ўзи тадбиркорларга кредитлар тақдир қилияпти. Буларнинг бари мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизмат-ларнинг мисли қўрилган турлари, қўлаб янги иш жой-лари юзага келишига асос бўляпти.

Қарорда ҳам қайд этилгандек, буларнинг барининг замирида: "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қуд-ратли бўлади", – деган тамойил ётибди.

Халқ онг-тафаккури, дунёқарашининг ўзгаргани – мус-тақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз. Бун-дан буён ҳам: "Маънавият – энг тасвирчан ва қудрат-ли қуролимиз", – деган ғоя ширимиз бўлади.

Башарият тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳеч бир мамлакат ўзи ёлғиз ҳолда тараққий этган эмас. Чунки му-раккаб дунёнинг қўлдан-қўп муаммолари айнан ҳамкор-лик, дўстона тарзда ҳал этилади. Шу жиҳатдан қараган-да, Ўзбекистонимизда хавфсизлик, миллатлараро тотув-лик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйлан-ган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверени-тетини мустаҳкамлаш, қўшнилари билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтакамиз-даги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига қатъий амал қилинади.

Ўзбекистон Марказий Осиёда аҳолиси жиҳатидан энг катта мамлакат. Чунки минтақадаги яами 65 миллион ат-рофида аҳоли яшаса, унинг тенг ярми мамлакатимизда истиқомат қилади. Бундан ташқари, халқимиз жаҳон та-маддунини тараққиётга улкан ҳисса қўшган бой маънавий меросга эга. Мамлакатимизнинг бугунги иқтисодий, ил-мий, маънавий-маърифий салоҳияти ҳам – жуда катта.

Мустақиллик йилларида жаҳон майдонида эришган ютуқларимиз бизни қурраи заминга яна ҳам танитди. Ама-лда халқимиз кимларнинг авлоди эканини, нима-ларга қодир-лигини намоян этди. Дунё бизга ҳўрмат қўрсатишга, биз билан яқиндан ҳамкорлик қилишга киришди. Қўшилари-миз билан яқин дўстона муносабатлар эса, биринчидан, бизнинг миллий манфаатларимизга тўла мос келади, ик-кинчидан, буни халқаро майдондаги обрў-эътиборимиз ҳам талаб қилади.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакатиди. Биз эртанги ку-нимизнинг таянчи ва суянчи бўлиши ёш авлодимиз-ни янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий би-лим ва касб-ҳўнарларни пухта эгаллаган, шу юр-тининг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажа-ги учун маъсулятини ўз зиммасига олишга қодир инсон-лар бўлиб вояга етказишни энг муҳим ишларимиздан деб билдик. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи қуч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб қўн тартибига қўйганимизнинг вақт ўтиши билан нақадар узоқни қўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда.

"Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўтган ҳафтада бўлиб ўтган қўрулдоида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, унинг вазифалари бел-гилаб берилгани, ёшлар ташкилотига талай имтиёз-лар жорий этилгани, 30 июнь мамлакатимизда



"Ёшлар куни" деб эълон қилингани ҳам бизда бу масала давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири эканини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида она юртимиз, унинг барча мин-такалари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чиройи тобора очилиб, гўзал қиёфа касб этди. Бу эса шу заминда яшай-ган инсонларнинг қайфияти, бугунги ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини орттиришга хизмат қилиб, вата-ношларимизни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда уч буюк йўл қурилди. Биринчиси – Фарғона водийсини Тошкент ви-лояти ва шу орқали мамлакатнинг бошқа минтақалари бил-лан боғлайдиган Қамчиқ довои. 1998 йили бошланиб, қисқа муддатларда, яъни 2000 йили фойдаланишга топ-ширилган бу улкан йўл қурилиши – мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Шу тариха мамлакатимиз орқали автомобиль йўли билан Хитойга бориш учун зўр имко-ният очилди.

Фарғона водийсидаги уч вилоятимизда мамлакатимиз-нинг қарийб 10 миллион кишидан иборат аҳолиси яшайди. Эскидан мавжуд Қамчиқ довоининг илон изи йўлларида киш маҳаллари юртининг мулоқот иложи йўқ эди. Ёз пайт-лари ҳам бу тор йўлдан транспортнинг бугунги талаблар даражасидаги катта оқими учун ҳеч қандай имкон бўлма-ган. Тожикистон орқали ўтган катта магистраль йўл билан юришга эса, узоқ масофани айланишга тўғри келар, бир мамлакат ичида қўшни минтақага иккинчи бир давлат ҳуду-ди орқали юриш ҳар тарафлама қимматга тушар эди.

Шу маънода, давлат ҳудудий яхлитлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон мустақиллик йилларида бунёд этган энг буюк қурилиш – Қамчиқ довои бўлди, деб баралла айта оламиз. Бу узоқни қўлаб амалга оширилган, муҳим стратегик аҳамиятга эга буюк ишшоот ҳисобланади. Қоялар кесилиб, йўл кенгайтирилди, баланд тоғлар устида жой-лашган магистраль пастроқдан ўтказилди, бири 1.100 ва иккинчиси 500 метр бўлган туннель қазилди.

Ёш, энли, қаддини, ростлаб олаётган бир миллий давлат учун бу нақадар катта, ютуқ эканини бугун барча тушуниб етмоқда.

Ўтган йилнинг июнь ойда Қамчиқ довои бўйлаб замонавий темир йўл ҳам ишга туширилди.

Шу тариха мамлакатнинг шарқи коммуникатив жиҳат-дан мустаҳкамланди.

Юртимизнинг шимолида жойлашган икки минтақамиз – Қорақалпоғистон Республикаси билан Қоразм вилояти ҳам маълум даражада узилиб қолган эди. Чунки у ёққа бора-диган темир йўл Туркманистон ҳудудидан ўтар, Бўхоро вилоятидан чиққанидан кейин қўшни давлат қўллари узра нақ бир қўн юрар эди. Аввало, вақтдан ютказилар, қола-верса, ҳар бир вагон ҳудудидан ўтгани учун қўшни дав-латга каттагина бож тўларар эди.

2001 йилнинг охирига келиб умумий узунлиги 633 кило-метрни ташкил қиладиган Навоий – Учқудуқ – Сўлтун-вайстог – Нукус темир йўли ишга туширилди. Аввало, масофадан ютдик, йўлга кетадиган вақт 6 соатга қисқарди. Бундан ташқари, шу янги йўл ёқалаб ҳаёт жонланди.

Қашқадарё билан Сурхондарё вилоятлари – ўзаро қўшни. Бирок Қаршидан Термизга бориш учун поезд ав-вал Қашқадарё вилоятидан Туркманистон ҳудудига ўтиб, у ерда соатлаб юриши ва кейин Сурхондарё вилоятига кириб келиши керак эди. 2007 йилнинг августида жами 223 километрни ташкил этган Тошгузар – Бойсун – Кумқўрғон йўли ишга туширилди.

Шу тариха жануб ҳам мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан маҳкам боғланди.

Ҳозирги пайтда Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Қарши, Тошкент – Бўхоро йўналишларида юксак техно-логияли, юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр-поезди катнови йўлга қўйилган. Бу ҳам мамлакатимиздаги юксак тараққиётдан дарак беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 31 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қури-лиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимиз-нинг барча қишлоқ туманларида янги уй-жой массивлари барпо этилди, намунавий лойиҳалар бўйича кредит шарт-номаси асосида яқна тартибдаги уй-жойлар қуриб, фойда-ланишга топширилди. Бу янги массивларимизда аҳоли-нинг яхши яшашини учун қулайликлар тудғирини ишлари жадал давом эттириляпти. Бу турар-жой массивларида иж-тимоий аҳамиятга молик объектлар ҳам қурилмоқда. Бун-дай уйларда яшашдан фуқаролар мавжуд шароитларнинг шаҳардагидан асло қолишмаслигини таъкидлаб, шукро-налик билдирмоқда.

Шуни унутмаслигимиз кераки, бугун

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан ўтказилаётган "Сени куйлаймиз, замондош!" IV республика театрларининг кўрик-фестивалига тақдим этилган асарларнинг бош гоёсини ана шундай долзарб мавзу ташкил этади.

Ўзбек Миллий академик драма театрида фестивалнинг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси маданият вазири М.Муродов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, миллий

санъатимиз ва маданиятимиз равнақи масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш билан бирга Ватанга содиқ, қатъий ҳаётини нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш муҳим

вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Президентимизнинг 2017 йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мазкур соҳа равнақига доир янги истиқболларни белгилаб берди.

Аънавий ўтказиб келинаётган "Сени куйлаймиз, замондош!" ижодий кўрик-фестивали Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва оқоиллиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларимиз

образини саҳна асарлари орқали талқин этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур лойиҳа ҳудудий театр жамоаларининг репертуарлари билан томошабинларни кенгрок таништириш, ижодий жамоаларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имкон яратишда ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтамоқда.

Кўрик-фестиваль Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Имон" спектакли билан бошланди.

(ЎзА)

Муносабат

АДОЛАТЛИ СУД ТИЗИМИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ГАРОВИ

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, адолат тамойилларига қай даражада риоя қилинаётгани, соҳада учраётган айрим камчиликлар таҳлили ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда суд органи ходимлари олдида қўйилган вазифалар аҳолининг суд тизимига бўлган ишончини янада кучайтириш, бу борада судьяларнинг касб этикасига риоя қилиши, халққа янада яқин бўлиш мақсадида одилона қарор чиқариши нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Айниқса, судлар фаолиятининг танқидий-таҳлилий руҳда муҳокама қилиниши замирида юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадриятини ҳурмат қилиш, унинг ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби гоёлар мустақамланганини таъкидлаш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам, одил судлов мамлакатда қонун устуворлигини таъминлайди, фуқароларнинг қонунарига риоя қилиши ва ҳуқуқий маданияти шаклланишида катта роль ўйнайди, энг асосийси, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ўзига хос механизми сифатида хизмат қилади.

Одил судловни таъминлашда эса соҳани ҳар жиҳатдан етук эгаллаган, ўз вазифасига масъулиятли, билимли ҳамда қасамдига содиқ, пок виждонли, оқини оқ, қорани қорага ажрата оладиган кадрлар муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, кейинги пайтда мамлакатимиз фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг катта қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани бу йўналишда кўпала муаммолар мавжудлигини далолат беради. Шу жиҳатдан, адолатли суд қарорларини қабул қилишда судьянинг касб одоби ва маданиятига риоя этиши инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг олий қадрият сифатида таъминланиши ҳамда адолатли қарор қабул қилинишининг гарови саналади.

Президентимиз судьяларнинг маънавий ахлоқига тўхталар экан, халқ даражасига шерик бўлиш, тергов ишини илҳом борида соддалаштириш айнан судьяларнинг одоб-ахлоқи билан боғлиқ масала эканлигига эътибор қаратди. Бундай ҳолатни бартараф этиш учун эса суд органлари ходимлари ҳар ойда халқ билан очик мулоқотни йўлга қўйиш масаласи кун тартибига қўйилди.

Сайёр мулоқотлар орқали аҳолининг муаммоларини жойида кўриб чиқиб, ҳал қилиш амалиёти судьянинг халқ хизматчиси эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Йиғилишда адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ўқитиб ўтилди. Чунончи, айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани каттик танқид қилинди.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари томонидан "судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик бўлиши шарт" деган эзгу гоё ҳар бир судьянинг иш тартибининг мезонига айланиши зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шу вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз судья лавозимига фаолият кўрсатаётган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келганини қайд этди. Бундан бундан судьялар фаолиятига, биринчи навбатда, халқнинг ўзи баҳо беради, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, суд ҳокимиятига энг адолатли баҳони ҳолис ва бағрикенг халқимизгина бера олади. Чунки фақатгина ҳақиқий халқ вакилигига инсон қадриятларини ҳимоя қилишга муносиб бўла олади.

Шундай экан, асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода "Адолат кўргони"га айлантиришдан иборатдир.

Яна бир муҳим жиҳат, суд тизимида адолатли қарор чиқариш, жамиятда одил ва оқилона судлов тизимини қарор топтириш мақсадида судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётига чек қўйилиши халқимиз томонидан илиқ кўтиб олинди. Сабаби, эндиликда тергов ишида ҳар қандай сансалорлик, оворагарчиликнинг олди олинди.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида янада юқори талаблар қўйилиши аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашга қаратилган. Зеро, ушбу ислохотлардан кўзланган асосий мақсад шу муқаддас заминда яшайётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқариш, пировардида инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдан иборатдир.

Шохруҳ МАМАДЖАНОВ,

халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!

Ёшлар тарбияси, уларнинг дунёқараши, фуқаролик позицияси Ватан келажиги, унинг истиқболи билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода улғайиб келаётган авлод тарбиясида масъулият ва бурчни астойдил ҳис этиш ҳар биримиздан ҳушёрлик ва огоҳликни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида навбатдаги сайёр қабул ташкил этди. Унда Президентимизнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига бўлган соғлиқни сақлаш масалаларига оид мурожаатлар кўриб чиқилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД МУРОЖААТЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, даволаш-профилактика муассасалари бош шифокорлари, Тошкент шаҳридаги йирик даволаш муассасалари ҳамда туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари иштирок этган очик мулоқотда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган фуқароларнинг икки юзга яқин мурожаати бевосита муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида халқ билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солингани барча даражадаги давлат идоралари вакилларининг халқнинг ичига кириб бориб, жойлардаги мавжуд ҳолатни ўрганиши ва муаммоларга ўз вақтида ечим топишида асос бўлмоқда. Инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимиз соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан бир неча маротаба учрашиб, соҳа ривожлантиришдаги ислохотларни янги босқичга кўтариш, аввало, бирламчи тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар, патронаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизимининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича ўзининг тавсияларини берди. Соҳа тараққиёти йўлида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар ижроси изчил таъминланаётгани қисқа вақтда ўз самараларини бера бошлады.

Жорий йилнинг 19 июнига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг 32 минг 581 таси, яъни 3,6 фоизи соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалаларга тегишли. Ҳозирга қадар соғлиқни сақлаш масалаларига оид мазкур мурожаатларнинг 95,8 фоизи кўриб чиқилган. Қолган 1 минг 200 га яқин мурожаат кўриб чиқиш жараёнида. Мурожаатлар статистикаси ҳудудлар кесимида ўрганилганда нисбатан кўпроқ мурожаатлар пойтахтимиз (19,3 фоиз), Тошкент (11,9 фоиз), Қашқадарё (11,3 фоиз), Фарғона (10,5 фоиз), Андижон (9,7 фоиз), Сурхондарё (6,7 фоиз) вилоятларидан келгани аниқланди.

Мурожаатлар мазмунини таҳлил этилганда, энг кўп соғлиқни тиклаш, даволиниши билан боғлиқ масалалар 71,5 фоизни ташкил қилди. Кейинги ўринларда соҳа ходимлари, шифо-

корлар хатти-ҳаракатлари юзасидан, ишга жойлашиш ва тиклаш масаласида, ногиронларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, иш ҳақи, соғлиқни сақлаш соҳасига доир бошқа тақлифлар билан қилинган мурожаатлар ташкил этади.

– Мамлакатимизнинг барча ҳудудидида ташкил этилган сайёр қабулларда аҳолининг соҳамизга алоқадор мурожаатлари ўрганилиб, уларнинг аксарияти жойида ҳал қилинмоқда, – дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Элмира Боситхонова. – Сайёр қабулнинг соҳалар бўйича ўтказилаётгани муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиб, имкон қадар тез, жойида ҳал қилишда муҳим роль ўйнамоқда.

Очик мулоқотда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида яшовчи Зулайхо Реймованинг мурожаати ҳам ўрганилди.

– Уйилларим Сардорбек ва Санжарбек қандли диабетдан азият чекади, – дейди ЎзА муҳбирига З.Реймова. – Болаларимни даволашда ёрдам сураб Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига хат ёзган эдим. Мана бугун мутахассислар масаламизни муҳокама қилди, фарзандларим эртагаёқ тегишли шифохонага ётқирилаётган бўлди. Сардорбек юришга қийналади. Унга аравача берадиган бўлишди.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридан келган Тозагул Юсупова ҳам ўн бир ёшли фарзанди Абдувалининг саломатлиги бўйича тегишли ихтисосликдаги шифокорлар билан гаплашиб олди.

– Абдувалининг қони камайиб кетган, саломатлиги яхши эмас, – дейди Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти директори Аълонур Саидов. – Беморни шифохонага ётқириб, қон компонентларини қуямиз. Кейин беморда қон нимага ҳосил бўлмаётганининг сабабини ўрганамиз. Тегишли муолажалар қилинганда кейин ҳаммаси изига тушиб кетиши керак. Бундай беморлар йилгига камида беш марта даволашни лозим. Шунинг учун Абдувалига ҳам, унинг ота-онасига ҳам тушунча-тавсиялар бердик.

Сайёр қабулда қўшимча ўрганиш, тиббий текшириш ҳамда даволаш учун вақт талаб қиладиган мурожаатлар кўп бўлди. Уларни мутасадди идора ва шифохоналар вакиллари назоратга олди.

Иқром АВВАЛБОВ

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, уни жадал амалга ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда.

ОИЛАВИЙ ҚОРХОНАЛАР ИСТИҚБОЛИ

Шулардан, Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни муҳим аҳамият касб этади. Унга мувофиқ, оилавий тадбиркорлик бу оила аъзоларининг даромад олиш мақсадида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик иштирокчиларнинг ихтиёрий асосда, юридик шахс ташкил этган ёки ташкил қилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган оилавий тадбиркорлик оилавий қорхона ҳисобланади. Унинг иштирокчилари — оила бошлиғи, турмуш ўртоғи, болалари ва набиралари, ота-онаси ва меҳнатга қобилиятли ёшга тулган бошқа қариндошлари оилавий қорхона иштирокчиси бўлиши мумкин. Оилавий қорхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиб, унга оилавий қорхонанинг барча иштирокчиси бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оилавий қорхонанинг бирмунча афзаллик ва қулайликлари бор. Хусусан, оилавий қорхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни оилавий қорхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди. Оилавий қорхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пуллик ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши, маҳсулотини сотиш у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин. Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзига унда истиқомат қилган ҳолда фаолият юритган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, оилавий қорхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловининг тўловчиси ҳисобланади. Уларга кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва кафолатлар таъбиқ этилади. Оилавий қорхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий қорхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бандий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларининг сотувидан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Бу каби енгилликларнинг берилиши аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишига бўлган қизиқишини янада ортатишига, янги иш ўринлари яратишига ва аҳоли бандлиги таъминланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда республикада оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришайотган юрtdошларимиз талайгина. Биргина Мировод туманида 82 та оилавий қорхоналар самарали фаолият юритмоқда. Улардан кўплари кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзлари, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланиб келмоқда. Мазкур оилавий қорхоналар солиқ имтиёзлари эвазига ҳосил бўлган қўшимча маблағларни фаолиятини кенгайтиришга ва қўшимча иш ўринларини яратишга қаратмоқдалар.

Жумладан, "О'КТАМ BRILLIANT" оилавий қорхонаси 2015 йил декабрь ойида ўз фаолиятини бошлаган. Тозалаш, кир ювиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келаётган қорхонада аввалгига битта ишни ўрни яратилган бўлса, бугунга келиб ишчилар сони 5 нафарни ташкил этмоқда. Бунга ўхшаб ўз қорхонасини кенгайтириб самарали равишда фаолият юритаётган кўпала оилавий қорхоналарни мисол қилиб келтириш мумкин. Авваламбор, мамлакат тараққиёти аҳолининг қандай шароитларда меҳнат қилаётгани, олаётган даромади, турмуш фаровонлиги билан ўлчанади. Шу маънода юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, чуқур ислохотлар фуқароларнинг яхши яшаши, тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига, инсон омилига қаратилган. Турмуш ободлиги эса, энг аввало, оиланинг иқтисодий аҳолига, даромадига боғлиқ. Юртимизда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, уларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар замирида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни юксалтириш ва кўпала янги иш ўринлари яратиш мақсадлари мужассам.

Зафар АХМЕДОВ,
Мировод туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Реклама ва эълонлар

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сўғдиёна кўчаси, 38-уйда жойлашган "STAL-MONTAJ" МЧЖ номига 12.02.2011 йилда берилган (Жисмоний соғломлаштириш мажмуаси) реестр рақами 6-60/2011 ҳамда 28.03.2011 йилда (Темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, омборхона ва офис) реестр рақами 6-139/2011 кадастр ҳужжатлари ва бино-иншоот гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент саноат ва сервис касб-хуна қоллежи томонидан 2016 йилда Усмонов Дилшод Одил ўғли номига берилган К № 4456248 сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси катталар юз-жағ жарроҳлик стоматология бўлими mudiri Низомидин Сайитдинович Сайдалиевга волидаи муҳтарамаси

Насиба ая САЙДАЛИЕВАНING
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Олмазор тумани, 1-Файзибанд кўчаси, 47-уйда яшаган Мавлюков Рафаил Анасович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатация институтининг Малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази жамоаси т.ф.д., профессор Ҳикматулла Нигматовга волидаи муҳтарамаси

Марҳамат ая ШУКУРОВАНING
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

М.С.Турсунхўжаева номи тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Хасанова Дилбар Ҳабибулла қизи номига берилган К№2248750 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат қорхонаси томонидан Юнусобод тумани, 11-мавзе, 40-уй, 42-қондонда яшовчи Исқандоров Фарход Хошимбоевич номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент давлат стоматология институти жамоаси ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедр mudiri Раҳматулла Нигматович Нигматовга волидаи муҳтарамаси

Марҳамат ая ШУКУРОВАНING
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

